

ШАРТНОМА № 2

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

«19» октябр 2022 йил

Ёзёвон тумани.

Ёзёвон туман ҳокимлиги туман ҳокими Джалилов Дилшод Турсунмуродович

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан

Бетон Юнистрой Энергү Масулияти чекланган жамияти

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган маҳсулот еки товар (кўрсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси асосида маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўчаларга бетон таянч устун СВ-95.2.0 (сгалба)лар сотиб олиш учун	дона	170	1000 000	170 000 000
х	Жами:	х	х	Х	170 000 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **Бир юз етмиш миллион сўм**
(ракамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдоридан пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сўнг товарни 3 (уч) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлиқ реқвизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлаёди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот кийматининг 20 % миқдоридан жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдоридан «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақллари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «19» октябрдан 2022 йил «31» декабргача 2 нусxada тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга кириди.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

Бегои Лоқисбегий Екбергун М.Ч.И
(мол етказиб берувчининг номи)

Ёзёвон туман ҳокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фартош и айбон уйи

Манзил: Ёзёвон шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси 1 уй

Тел./факс: 91 111-43-42

Тел./факс: +99891-118-21-37

Ҳисоб варак: 29208000105367381001

ш/х*:100022860302427094997018001

Банк номи: Ушбу бўли банк фартош

СТИР: 200166950 ОКЭД: 97600

МФО: 01168

СТИР: 308295446

Ёзёвон тумани бўйича Газначилик бўлини маси

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

ОКОНХ:



(Ф.И.Ш)



(и.м.т.о)

Д.Джалилов.
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

М.Ў.

Т.Шерматов

Т.Шерматов.